

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХУСНУДДИНОВ НИЗОМУДДИН ЗУХРУДДИН ЎҒЛИ

**ВИДЕОЛАПАРОСКОПИЯНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН МЕЪДА
САРАТОНИНИ ДАВО ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)

Хуснуддинов Низомуддин Зухруддин ўғли

Видеолапароскопияни қўллаш билан меъда

саратонини даво тактикасини такомиллаштириш 3

Хуснуддинов Низомуддин Зухруддин угли

Совершенствование лечебной тактики при раке

желудка с использованием видеолапароскопии 29

Khusnuddinov Nizomuddin Zukhruddin ugli

Improving treatment tactics for gastric cancer with

using video laparoscopy 55

Список опубликованных работ

Нашр қилинган ишлар рўйхати

List of published works..... 58

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

ХУСНУДДИНОВ НИЗОМУДДИН ЗУХРУДДИН ЎҒЛИ

**ВИДЕОЛАПАРОСКОПИЯНИ ҚЎЛЛАШ БИЛАН МЕЪДА
САРАТОНИНИ ДАВО ТАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.14 – Онкология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2795 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-сайтида (www.cancercenter.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Адилходжаев Аскар Анварович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Гофур-Охунов Мирза-Али Алиерович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Лигай Руслан Ефимович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**А.С. Логинов номидаги Москва клиник
илмий-амалий маркази (Россия)**

Диссертация ҳимояси 2024 й. «_____» _____ да соат _____ да Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий даражалар бериш бўйича DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13; e-mail: www.cancercenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-сон билан рўйхатдан ўтказилган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383. Тел/факс: (+99871) 246-05-13.

Диссертация автореферати тарқатилди «_____» _____ 2024 йилда.
(2024 йил “_____” _____ даги _____ -сонли юбориш протоколи реестри).

М.Н.Тилляшайхов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш раис,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ш.Н. Ибрагимов

Илмий даражалар бериш бўйича илмий Кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

М.Х.Ходжибеков

Илмий даражалар бериш бўйича илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари
доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Меъда саратони (МС) ўлим даражаси юқори бўлган дунёдаги энг кенг тарқалган саратон турларидан бири бўлиб қолмоқда. Дунёда меъда саратони билан стандартлаштирилган касалланиш ёши йилига 4-5% га камаймоқда. Умуман олганда, «...дунёда меъда саратонидан 5 йиллик яшовчанлик даражаси 10-20% ни ташкил қилади»¹. Даволаш ҳақида гапирадиган бўлсак, жарроҳлик усули меъданинг деярли барча турдаги хавфли ўсмаларини даволашнинг асосий усули ҳисобланади. Ҳозирда касалликнинг дастлабки босқичларидаги меъда аденокарциномаси бўлган беморларда лапароскопик гастрэктомия анъанавий очик жарроҳликка муқобил сифатида тан олинган. Минимал травматиклиги билан бевосита ва яқин клиник натижалар ушбу амалиётни устувор муолажага айлантиради. Ва мавжуд тавсиялар турли мамлакатлар учун фарқ қилса-да ва минимал инвазив жарроҳликнинг мавжуд тажрибаси асосан техник жиҳозлар билан белгиланадиган бўлса-да, меъда саратони билан оғриган беморларни минимал инвазив даволаш тенденцияси аста-секин анъанавий жарроҳлик усулини алмаштирмоқда ва бу бевосита замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда меъда саратони билан касалланиш даражаси юқори бўлган мамлакатларда жарроҳлик техникаси яхшилашга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада минимал инвазив усулларнинг самарадорлиги ва хавфсизлигини баҳолаш, шунингдек, жарроҳлик давосининг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш учун бир нечта кўп марказли истиқболли рандомизацияланган синовлар ўтказилади. Бугунги кунда МС маҳаллий тарқалган турлари билан оғриган беморларда лапароскопик гастрэктомия онкологик мақсадга мувофиқлиги жихатидан хавфсизлиги борасида объектив далиллар йўқ. Ушбу муаммо бўйича баъзи йирик проспектив рандомизацияланган тадқиқотлар бошланди ва шу муносабат билан меъда саратони учун видеолапароскопик технологияларни қўллаш билан қўбинирланган даволашда мавжуд бўлган усулларни такомиллаштириш ва янги ёндашувларни излаш долзарб муаммо ҳисобланади ва алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли патологик шароитларда мақсадли илмий асосланган терапевтик ва профилактика тадбирларини амалга ошириш бўйича кенг қамровли ва комплекс чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада “... аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ...”² борасида вазифалар белгиланди. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, меъда саратони билан оғриган беморлар учун клиник ва морфологик жиҳатларни ўрганиш ва терапевтик ва

¹ WHO. 2023 год.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони.

профилактика чораларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «тиббий профилактика самарадорлигини янада ошириш орқали аҳоли саломатлигини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Клиник онкологияда меъда саратони ҳали ҳам долзарб муаммо ҳисобланади. Россия меъда саратонидан ўлим бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллашда давом этмоқда ва бу нозология билан касалланиш даражаси бўйича у ўнта етакчи мамлакат қаторига киради (Бондар Г.В. ва бошқ. 2006; Хвастунов Р.А. ва бошқ., 2007). Маҳаллий скрининг дастурларининг этишмаслиги туфайли, меъда саратонини кеч аниқланиши долзарб бўлиб қолмоқда. 60-65% ҳолатда ўсма касалликнинг III-IV босқичида ташхис қилинади ва беморларнинг 47-55% гача қисми 1 йил ичида оғир асоратлар туфайли вафот этади (Скоропад В.Ю. ва бошқ., 2009). Меъда саратонини даволаш муаммоси, касалланишнинг қандайдир пасайиш тенденциясига қарамай, энг мураккаб ва долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Яхши натижаларга имкон берадиган жарроҳлик давоси ҳозирда эрта меъда саратони учун жаҳон стандартидир (Kim H.H. et al. 2020; Kitano S. et al. 2017). Бироқ, ўсма жараёни меъдадан ташқарига тарқалганда, жарроҳлик давоси натижалари сезиларли даражада ёмонлашади. Бу эса ўз навбатида, жарроҳлар ва онкологларга ушбу беморлар учун оптимал даволаш тактикасини танлаш вазифасини кўяди (Карачун А.В. ва бошқ., 2014). Замонавий маҳаллий ва хорижий клиник тавсияномалар ягона стандартлаштирилган ёндашувни таклиф қилмайди (Бесова Н.С. ва бошқ., (RUSSCO), 2018; JGCA guidelines, 2017; Smyth E.C. et al., 2016; NCCN guidelines, 2017; KGCA guidelines, 2018).

Дунёда, жарроҳлик давоси ушбу беморларнинг ҳаёт сифатини сезиларли даражада яхшилайдиган ягона усул бўлиб қолмоқда (Шепотин И.Б. ва бошқ., 2020). Сўнги пайтларда ўсмани максимал тўлиқ олиб ташлаш, кенгайтирилган ва комбинирланган аралашувлар бажариш, шунингдек, бир вақтнинг ўзида мультиорган резекциялар билан кечувчи агрессив жарроҳлик тактикаси тарафдорлари кўпайиб бормоқда (Афанасев С.Г. ва бошқ., 2011; Карачун А.М. ва бошқ., 2011; Стилиди И.С. ва бошқ., 2019). Аммо бундай ёндошувни ҳамма

мутахассислар ҳам оқлашмайди (Kobayashi A. et al., 2014; Carboni F. et al., 2015).

Жарроҳлик давоси ҳақида гапирадиган бўлсак, сўнгги ўн йил ичида очик лапаротомияга нисбатан бир қатор муҳим афзалликларга эга бўлган лапароскопик аралашувлар жарроҳлик амалиётига кенг жорий этила бошланди. Ушбу аралашувларнинг энг муҳим афзалликлари куйидагилардир: аниқлик, паст травматизм, қон йўқотилишини ва йирингли-септик асоратлар сонининг камайиши, беморни эрта фаоллаштириш ва мустақил овқатланишнинг эрта бошланиши, чандиқ касаллиги миқдорининг камайиши ва оғриқ қолдирувчи воситаларга бўлган эҳтиёжни камайиши, шунингдек, амалиётдан кейинги реабилитация муттадларининг минималлиги (Черноусов А.Ф. ва бошқ., 2017; Байдо С.В. ва бошқ., 2012; Виноградов Ю.А. ва бошқ., 2005). Ихтисослашган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, эндовидеожарроҳлик амалиётлари даволанишнинг бевосита натижаларини ёмонлаштирмайди ва травматиклик ва беморларнинг реабилитация вақтини қисқартириши орқали адъювант кимётерапиянинг бошланишини тезлаштиришга имкон беради (Черноусов А.Ф. ва бошқ., 2017; Байдо С.В. ва бошқ., 2012). Эрта меъда саратони жарроҳлик давосида лапароскопик технологиялардан фойдаланиш кўп марказли рандомизацияланган синовлар билан оқланади (Kim H.H. et al. 2010; Kitano S. et al. 2007). Аммо улардан кечроқ босқичларда фойдаланиш масаласи ҳозирда ўрганилмоқда (Qi X. et al. 2020). Муаллифлар оралик натижалар махсус адабиётларда тасвирланган 54 мета-таҳлилни баҳолашда, маҳаллий тарқалган саратонда лапароскопик амалиётларнинг хавфсизлиги ва ҳақиқийлиги тўғрисида ҳисобот беришди (Qi X. et al. 2016). Жаҳон адабиётида чоп этилган кўплаб асарлар меъда саратони учун минимал инвазив жарроҳлик имкониятлари ва афзалликларини акс эттиради.

Ўзбекистонда меъда саратони кам инвазив технологияларни қўллашнинг даволашда маълумотлар адабиётлар мажуд эмас. Аммо лекин дунё маълумотларга кўра, меъда саратонида лапароскопик амалиётларни баҳолаш, ёки босқичлаш ва адекват жарроҳлик давосинини танлашда жуда қарама-қаршилиқлар кўп. Шунинг учун бу усул натижаларини таҳлил қилиш бугунги кунда замонавий абдоминал онкожарроҳликнинг долзарб муаммоси ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Республика Ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази тадқиқот ишлари режасига мувофиқ.

Тадқиқотнинг мақсади: видеолапароскопик аралашувларни қўллаш орқали меъда саратонини даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Меъда саратонида, ўсманинг локализацияси ва қўшни анатомик тузилмаларга тарқалишига қараб лапароскопик амалиётларни бажаришнинг техник хусусиятларини аниқлаш, ва қорин бўшлиғи лимфодиссекцияси ҳажмини кенгайтиришга кўрсатмаларни аниқлаштириш;

Лапароскопик гастрэктомиянинг реконструктив босқичида лапароскопик эзофагоеюно анастомоз қўйиш усули такомиллаштириш;

Анъанавий ва лапароскопик жарроҳлик аралашувларни қўллаш йўли билан меъда саратонини хирургик даволашнинг бевосита натижаларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш;

Меъда саратонини даволаш доирасида видеолапароскопияни қўллаш йўли билан жарроҳлик давосини оптималлаштириш бўйича клиник тавсияномаларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти бўлиб Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг эндовизуал жарроҳлик бўлимида 2019 йилдан 2024 йилгача 101 бемор стационар даволанган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб маҳаллий тарқалган меъда саратони билан оғриган беморларни лаборатория ва инструментал текширувлар натижалари ва хулосалари ҳисобланди.

Тадқиқотнинг усуллари. Мақсад ва қўйилган вазифаларга эришиш учун лаборатория текширувлари (билирубин, АЛТ, АСТ, умумий оксил, ишқорий фосфатаза); УТТ; МСКТ; ПЭТ; ўсма маркерлари кўрсаткичлари (СА 19,9; РЭА; АФП); ўсма биопсияси; лапароскопия қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кириш қийин соҳаларда манипуляциянинг аниқлиги ва оптиканинг кўп мартали ошириш қобилиятига сабаб бўлган 4 sa, 4d, 8, 12 лимфа тугунлари гуруҳларининг ўхшаш сафарбарлиги ҳисобига лапароскопик гастрэктомияда D2 лимфодиссекция самарадорлиги исботланган;

субтотал ва тотал тарқалган меъда саратонида даволаш тактикасини танлашда патоморфологик материални прецизионлик олишда ва қорин микрометастазларини аниқлашда диагностик лапароскопияни бажарилиши исботланган;

лапароскопик гастрэктомиянинг реконструктив босқичида лапароскопик эзофагоеюно анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилган учун (Ихтиро учун патент IAP 07363, 2022);

лапароскопик гастрэктомия очик аралашувларга қараганда прецизион амалиёт ҳисобига чегараланган майдон ва яхши қон билан таъминланган соҳада кўп вақт талаб қилиши, шунингдек, операциядан кейин беморларда оғриқ белгиларнинг йўқолиши, психологик ҳолати ҳамда перисталтиканининг тикланиши ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши ҳамда шифохонада ётоқ кунларининг камайишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МСКТ ва ПЭТ натижаларига кўра карциноматозга шубҳа қилинган бўлса, даволаш тактикасини танлаш учун меъда ўсма жараёнини генерализациясини энг аниқ баҳолашга имкон бериши туфайли диагностик лапароскопия ўтказиш зарурлиги аниқланган;

тавсия этилган усулда эзофаго-еюноанастомозни қўйиш билан лапароскопик гастрэктомия бажариш ўртача ҳажми 115 ± 36 млга (максимал қон йўқотиш 151 мл, минимал 79 мл) амалиёт ичи қон йўқотилишини

камайтиришга, шунингдек, ўртача вақт 302 ± 12 дақиқага (максимал 314 дақиқа, минимал 290 дақиқа) жарроҳлик амалиёти давомийлигини камайтиришга олиб келадиганлиги аниқланган;

меъда саратони беморларини даволаш учун тавсия этилган усулдан фойдаланиш амалиётдан кейинги асоратларни 12,2% гача ва леталликни 4,1% гача камайтиришга ёрдам беришини аниқланган;

меъда саратонини ташхислаш ва даволаш учун тавсия этилган алгоритмдан фойдаланиш мақсадли даволаш чора-тадбирлар тактикасини ўрнатишга, шунингдек, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга имкон беришини аниқланган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган замонавий усул ва ёндашувларнинг мувофиқлиги, олинган натижаларнинг назарий маълумотлар билан мувофиқлиги, ўтказилган тадқиқотларнинг услубий асослилиги, беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотларда замонавий ва статистик усуллардан фойдаланганлик, олинган натижаларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланиши ва тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, видеолапароскопик технологиялар ёрдамида меъда саратони билан оғриган беморларни даволашнинг такомиллаштирилган диагностик алгоритми диагностик қидирувни сезиларли даражада тезлаштиради, вақтни тежайди ва даволашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини яхшилаши билан билан изоҳланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эзофагоеюно анастомоз этишмовчилигининг олдини олиш бўйича ишлаб чиқилган усуллари меъда саратонини жарроҳлик давоси натижаларини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Видеолапароскопияни қўллаш билан меъда саратонини даволашда мултидисциплинар ёндашув бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: кириш қийин соҳаларда манипуляциянинг аниқлиги ва оптиканинг кўп мартали ошириш қобилиятига сабаб бўлган 4 са, 4d, 8, 12 лимфа тугунлари гуруҳларининг ўхшаш сафарбарлиги ҳисобига лапароскопик гастрэктомида D2 лимфодиссекция самарадорлигининг исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 8 майдаги 25-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят филиалининг 2024 йил 1 майдаги 35-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги 4-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* онкология амалиётида биринчи марта, кириш қийин соҳаларда манипуляциянинг аниқлиги ва оптиканинг кўп мартали ошириш қобилиятига сабаб бўлган 4 са, 4d, 8, 12 лимфа тугунлари гуруҳларининг ўхшаш сафарбарлиги ҳисобига лапароскопик гастрэктомида D2 лимфодиссекция самарадорлиги сабабли

давонинг радикаллиги, беморларнинг яшовчанлик кўрсаткичлари ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланган. *Иқтисодий самарадорлиги:* онкология амалиётида биринчи марта, кириш қийин соҳаларда манипуляциянинг аниқлиги ва оптиканинг кўп мартали ошириш қобилиятига сабаб бўлган 4 са, 4д, 8, 12 лимфа тугунлари гуруҳларининг ўхшаш сафарбарлиги ҳисобига лапароскопик гастрэктомияда D2 лимфодиссекция самарадорлиги сабабли давонинг радикаллиги, беморларнинг яшовчанлик кўрсаткичлари ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши туфайли давлат бюджетидан сарф харажатларни 12,2%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* онкология амалиётида биринчи марта, кириш қийин соҳаларда манипуляциянинг аниқлиги ва оптиканинг кўп мартали ошириш қобилиятига сабаб бўлган 4 са, 4д, 8, 12 лимфа тугунлари гуруҳларининг ўхшаш сафарбарлиги ҳисобига лапароскопик гастрэктомияда D2 лимфодиссекция самарадорлиги сабабли давонинг радикаллиги, беморларнинг яшовчанлик кўрсаткичлари ва беморларнинг ҳаёт сифати яхшиланиши натижасида давлат бюджетидан сарф харажатларни 12,2%га иқтисод қилиш ва шифохонада бўлиш вақтини 2-3 кунга қисқартириш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: субтотал ва тотал тарқалган меъда саратонида даволаш тактикасини танлашда патоморфологик материални прецизионлик олишда ва қорин микрометастазларини аниқлашда диагностик лапароскопияни бажарилиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 8 майдаги 25-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят филиалининг 2024 йил 1 майдаги 35-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги 4-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқотда ўрганилган субтотал ва тотал тарқалган меъда саратонида даволаш тактикасини танлашда патоморфологик материални прецизионлик олишда ва қорин микрометастазларини аниқлашда диагностик лапароскопияни бажарилиши исботланганлиги сабабли беморларда эксплоратив лапаротомияларнинг олдини олиш, жарроҳлик амалиёти кўламини адекват баҳолаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотда ўрганилган субтотал ва тотал тарқалган меъда саратонида даволаш тактикасини танлашда патоморфологик материални прецизионлик олишда ва қорин микрометастазларини аниқлашда диагностик лапароскопияни бажарилиши исботланганлиги сабабли беморларда эксплоратив лапаротомияларнинг олдини олиш, жарроҳлик амалиёти кўламини адекват баҳолаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги сабабли давлат бюджетидан сарф харажатларни 10%га иқтисод қилишга эришилган. *Хулоса:* тадқиқотда ўрганилган субтотал ва тотал тарқалган меъда саратонида даволаш тактикасини танлашда патоморфологик материални прецизионлик олишда ва қорин микрометастазларини аниқлашда диагностик лапароскопияни бажарилиши исботланганлиги сабабли беморларда

эксплоратив лапаротомияларнинг олдини олиш, жарроҳлик амалиёти кўламини адекват баҳолаш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берганлиги сабабли давлат бюджетидан сарф харажатларни 10%га иқтисод қилиш ва шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартириш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: лапароскопик гастрэктомиянинг реконструктив босқичида лапароскопик эзофагоеюно анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 8 майдаги 25-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят филиалининг 2024 йил 1 майдаги 35-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги 4-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* биринчи марта лапароскопик гастрэктомиянинг реконструктив босқичида лапароскопик эзофагоеюно анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилганлиги сабабли, анастомоз етишмовчилиги асоратларини камайиши, амалиётдан кейинги асоратлар сонини қисқариши сабабли беморларнинг ҳаёт сифати юқори бўлиши натижасида, эрта фаоллашувни яхшилаш ва ётоқ кунларини қисқартириш имконини берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* биринчи марта лапароскопик гастрэктомиянинг реконструктив босқичида лапароскопик эзофагоеюно анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилганлиги сабабли, анастомоз етишмовчилиги асоратларини камайиши, амалиётдан кейинги асоратлар сонини қисқариши сабабли беморларнинг ҳаёт сифати юқори бўлиши натижасида, эрта фаоллашувни яхшилаш ва ётоқ кунларини қисқартириш имконини бериши ҳисобига иқтисодий харажатларни 1,9 мартага камайтириш имконини берган. *Хулоса:* биринчи марта лапароскопик гастрэктомиянинг реконструктив босқичида лапароскопик эзофагоеюно анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилганлиги сабабли, анастомоз етишмовчилиги асоратларини камайиши, амалиётдан кейинги асоратлар сонини қисқариши сабабли беморларнинг ҳаёт сифати юқори бўлиши натижасида иқтисодий харажатларни 1,9 мартага камайтириш, эрта фаоллашув ва ётоқ кунларини 2-3 кунга қисқартириш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: лапароскопик гастрэктомия очик аралашувларга қараганда прецизион амалиёт ҳисобига чегараланган майдон ва яхши қон билан таъминланган соҳада кўп вақт талаб қилиши, шунингдек, операциядан кейин беморларда оғриқ белгиларнинг йўқолиши, психологик ҳолати ҳамда перисталтиканининг тикланиши ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши ҳамда шифохонада ётоқ кунларининг камайишига олиб келиши исботланганлиги Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм вилоят филиалининг 2024 йил 8 майдаги 25-сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Қашқадарё вилоят филиалининг 2024 йил 1 майдаги 35-сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник

кенгашининг 2024 йил 22 июлдаги 4-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* тадқиқотда ўрганилган лапароскопик гастрэктомия очик аралашувларга қараганда прецизион амалиёт ҳисобига чегараланган майдон ва яхши қон билан таъминланган соҳада кўп вақт талаб қилиши, шунингдек, операциядан кейин беморларда оғриқ белгиларнинг йўқолиши, психологик ҳолати ҳамда перисталтиканининг тикланиши ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши ҳамда шифохонада ётоқ кунларининг камайишига олиб келган. *Иқтисодий самарадорлиги:* тадқиқотда ўрганилган лапароскопик гастрэктомия очик аралашувларга қараганда прецизион амалиёт ҳисобига чегараланган майдон ва яхши қон билан таъминланган соҳада кўп вақт талаб қилиши, шунингдек, операциядан кейин беморларда оғриқ белгиларнинг йўқолиши, психологик ҳолати ҳамда перисталтиканининг тикланиши ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши ҳамда шифохонада ётоқ кунларининг камайишига олиб келганлиги сабабли ҳар бир бемор учун иқтисодий харажатларни 9,5%га камайтириш имконини берган. *Хулоса:* тадқиқотда ўрганилган лапароскопик гастрэктомия очик аралашувларга қараганда прецизион амалиёт ҳисобига чегараланган майдон ва яхши қон билан таъминланган соҳада кўп вақт талаб қилиши, шунингдек, операциядан кейин беморларда оғриқ белгиларнинг йўқолиши, психологик ҳолати ҳамда перисталтиканининг тикланиши ҳисобига беморларнинг ҳаёт сифатининг яхшиланиши, шифохонада ётоқ кунларининг камайиши сабабли ҳар бир бемор учун иқтисодий харажатларни 9,5%га камайтириш ва шу орқали беморлар шифохонада бўлиш вақтини 1-2 кунга қисқартиришга эришилган.

Н.З.Хуснуддиновнинг «**Видеолапароскопияни қўллаш билан меъда саратонини даво тактикасини такомиллаштириш**» мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Республика ихтисослаштирилган онколдогия ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг 2024-йилдаги 28-июлдаги 02-03/387-сон хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

Илмий натижаларнинг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 1-халқаро ва 2-республика конференцияларида муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та Ихтиро учун патент.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва қўланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилаётган тадқиқотнинг долзарблиги ва талаб борлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва техникасининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга тадбиқ этилганлиги, нашр этилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар ва диссертациянинг тузилиши келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Меъда саратони муаммосининг ҳолати (адабиётлар шарҳи)”** мавзусидаги биринчи бобида меъда саратонининг тарқалганлик муаммоси, беморларни жарроҳлик даволаш тактикасининг ҳозирги ҳолати, шунингдек, маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида эзофагоеуноанастомозни қўллаш усуллари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Меъда саратонини жарроҳлик даволаш натижалари илмий ва амалий маълумотларни таҳлил қилишда келтирилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг умумий характеристикаси ва тадқиқот методикаси”** деб номланувчи иккинчи бобида диссертацияда қўлланилган тадқиқотнинг материал ва усуллари батафсил баён этилган. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида стационар 2017 йилдан 2022 йилгача даволанган 101 беморни даволаш тажрибаси таҳлил қилинган. Улардан назорат гуруҳига киритилган 52 (51,5%) бемор 2017-2019 йилларда клиникада даволанган. Асосий гуруҳдаги 49 (48,5%) бемор 2020 йилдан 2022 йилгача стационар даволанган (меъда саратонини даволаш учун видеолапароскопик усулни қўллаш босқичи).

Беморларнинг ёш хусусиятлари 2016 йилдаги ЖССТ таснифига мувофиқ амалга оширилди. Беморларнинг ёши 29 ёшдан 78 ёшгачани ташкил қилди (ўртача 53,5 ёш). Улардан 65 (60,2%) нафари эркак ва 43 (39,8%) нафари аёл бўлиб, уларнинг нисбати 1,5:1 ни ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

Беморларни жинс ва ёш бўйича тақсимланиши, n=101

Ёши	Назорат гуруҳи (n=52)		Асосий гуруҳ (n=49)	
	Эркаклар	Аёллар	Эркаклар	Аёллар
18-44	2 (3,8%)	3 (5,8%)	2 (4,1%)	2 (4,1%)
45-59	11 (21,2%)	8 (15,3%)	12 (24,5%)	7 (14,3%)
60-74	13 (25%)	7 (13,5%)	13 (26,5%)	6 (12,2%)
75-89	5 (9,6%)	3 (5,8%)	4 (8,2%)	3 (6,1%)
Жами:	31 (59,6%)	21 (40,4%)	31 (63,3%)	18 (36,7%)

Жадвалдан келиб чиқадики, МС билан оғриган беморлар сони ўрта ёш гуруҳидан бошлаб (45-59 ёшдан) ўсишни бошлайди. Касалликнинг энг юқори даражаси 60-74 ёшда содир бўлади, бу барча беморларнинг 38,6 фоизини ташкил қилади.

Анамнез маълумотларини ўрганишда МС кечишининг яширин клиник варианты 35 беморда, оғрикли – 24 беморда, оғриқсиз – 62 беморда кузатилганлиги аниқланди. Шу билан бирга, 32 (31,6%) бемор оғир аҳволда, 69 (68,4%) бемор ўртача оғир ҳолатда шифохонага ётқизилган.

86 беморда МС ривожланишининг биринчи ва асосий аломати оғрик бўлиб, унинг локализацияси, табиати ва интенсивлиги турлича бўлган. Шу билан бирга, 67 беморда қуйидагилар аниқланди: 8 беморда қориннинг юқори қисмида пайпасланадиган хосила, 27 тасида II -IV даражали дисфагия, 9 тада меъданинг декомпенсацияланган стенози белгилари ва 23 беморда мелена шаклидаги рецидивланувчи стул аниқланди. Қолган 41 беморда уларнинг шикоятлари “МС нинг кичик белгилари синдроми” га тўғри келади, яъни: мотиляцияланмаган умумий ҳолсизлик, тез чарчаш, овқатдан нафратланишгача иштаҳанинг доимий пасайиши, “меъда дискомфорти” ҳодисалари, сабабсиз вазн йўқотиш, апатия. МС нинг ушбу клиник кўринишларининг ривожланиш давомийлиги бир неча ҳафтадан тўққиз ойгача вақтни ташкил қилди.

Икки кузатув гуруҳи беморларининг аксарияти 62 (61,4%) нафарида узок муддатли безовта қилувчи меъда дискомфорти ҳисси клиник кўринишининг намоён бўлиши қайд этилди. Икки кузатув гуруҳида умумий ҳолсизлик, оғрик синдроми, вазн йўқотиш, дисфагия каби беморларнинг шикоятлари тенг равишда қайд этилди. Иккала гуруҳдаги беморларнинг кичикроқ қисми қориннинг юқори қисмида пайпасланадиган ҳосилани қайд этишди. Беморларнинг мутлақ кўпчилиги меҳнат қобилиятининг пасайишини қайд этишди.

Умумий ҳолатнинг оғирлиги ҳамроҳ патологиялар билан боғлиқ бўлиб, улар 35 (34,6%) беморларда ташхисланган, 14 (28,5%) беморларда бир вақтнинг ўзида икки ёки ундан ортиқ ҳамроҳ патологиялар аниқланган.

Келтирилган маълумотларга кўра, назорат ва асосий гуруҳлар беморларнинг меъда саратонининг локализациясига қараб тақсимланиши 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўсманинг локализациясига қараб беморларнинг тақсимланиши, n=101

Меъда қисмлари	Назорат гуруҳи, n=52	Асосий гуруҳ, n=49
Меъданинг тана ва антрал қисми	17 (32,7%)	15 (30,6%)
Меъда танаси	25 (48,1%)	24 (48,9%)
Меъда кардиал қисми ва танаси	7 (13,5%)	7 (14,3%)
Қизилўнгачнинг абдоминал қисми ва меъда кардийси	1 (1,9%)	2 (4,1%)
Меъда чўлтоғи	2 (3,8%)	1 (2,04%)
Жами	52 (51,5%)	49 (48,5%)

МС билан оғриган беморларни тадқиқотга киритиш, тавсия этилган даволаш самарадорлигини, унинг хавфсизлигини ва объектив назоратини баҳолаш учун лаборатория ва инструментал текширишнинг стандарт ва махсус усуллари қўлланилди.

Барча беморлар клиник минимум кўламида текширилди (клиник қон таҳлили, коагулограмма, биокимёвий қон таҳлили, копрограмма, умумий пешоб таҳлили). Биокимёвий қон текширувида протеинограмма, глюкоза даражаси, умумий билирубин, жигар ферментлари (АЛаТ, АСаТ), амилаза ва электролитлар мувозанатини баҳоланди. Қон ивиш тизимининг ҳолатини таҳлил қилиш қон ивиш вақтини, фаоллаштирилган парциал тромбопластин вақтини, плазма рекальцификация вақтини, протромбин фаоллигини, плазма фибриноген даражасини (умумий қабул қилинган усуллар бўйича) ўрганиш асосида амалга оширилди. Қон зардобидаги глюкоза даражаси юқори бўлган беморлар гликемиянинг кунлик тебранишлари учун текширилди (шакар “эгри чизиғи”). Албатта, барча беморларда РЭА, СА-19,9, Са 72-4 онкомаркерлари даражаси баҳоланди.

Меъданинг ўсмали шикастланишига шубҳа қилинган барча беморлар стандарт текширувдан, шу жумладан меъда рентгенограммаси, кўкрак қафаси рентгенограммаси, биопсия билан фиброгастроуденоскопия ва қорин бўшлиғи аъзоларининг ультратовуш текширувидан (УТТ) ўтдилар. “Стандарт” текширувлар эндоскопик ультрасонография текшируви (ЭндоУТТ) ёрдамида тўлдирилди. Ўсманинг аниқ жойлашуви ва ҳажмини аниқлаш учун мултиспирал компьютер томографияси (МСКТ) ва магнит-резонанс томография (МРТ) усуллари қўлланилди.

Диагностик лапароскопия (ДЛ) мунозарали вазиятларда диагностик қидирувга қўшимча усул ҳисобланади.

ДЛ диагностика манипуляцияси учун воситалар тўплами билан Karl Storz (Германия) лапароскопик ускунасида ўтказилди. Видеолапароскопия Фовлер ҳолатида умумий анестезия остида ўтказилди. Veress игнаси ёрдамида дастлабки карбоксиперитонеум бажарилгач, Калькнинг юқори нуқтасига 30 даража оптикали ўн миллиметрли троакар (Karl Storz фирмасига тегишли) киритилди ва қорин бўшлиғи текширилди.

Ўтказилган жарроҳлик аралашувларидан сўнг, беморларнинг ҳам назорат, ҳам асосий гуруҳида жарроҳлик асоратлари қайд этилди. Улар жарроҳлик асоратларини Clavien-Dindo таснифи (1992) бўйича баҳоланди.

Диссертациянинг **“Меъда саратонини анъанавий даволаш натижалари”** деб номланувчи учинчи бобида назорат гуруҳ беморлари жарроҳлик давосининг натижалари ёритилган. Бунда қорин бўшлиғи лимфадиссекциясининг турли ҳажмлари билан бирга анъанавий жарроҳлик амалиётлари бажарилган меъда саратони билан оғриган 52 беморнинг амалиёт протоколлари ва касаллик тарихлари таҳлил қилинди.

Ўтказилган МСКТ натижаларини таҳлил қилиш ўсманинг ўсиш шаклини, ўлчамларини кўрсатди ва 34 (65,4%) ҳолатда лимфа тугунларининг катталашини аниқланди, қолган 18 (34,6%) ҳолатда лимфа тугунларида катталашини кузатилмади. Меъда ўсмасининг экзофит ўсиши энг кўп – 43 (82,7%) ҳолатда учради ва аралаш ўсиш энг кам – 3 (5,8%) ҳолатда учради.

Беморларнинг энг кўп сони ўсма ўлчамлари 2 дан 5 см гача бўлган ҳолатда 36 (69,2%) беморда кузатилди ва энг кам – 2 см гача бўлган ўсма

жараёни 5 (9,6%) беморда кузатилган ва булар МСКТ натижалари билан тасдиқланди.

МСКТ маълумотларига кўра, метастазлар 37 (71,1%) ҳолатда аниқланди, қолган 15 (28,9%) ҳолатда ўсма жараёни меъда билан чекланганлиги кузатилди.

D2 ҳажмида лимфодиссекция билан аралашувлар 37 (71,1%) беморларда амалга оширилди, шундан 29 (55,7%) беморга гастрэктомия, 8 (15,4%) беморга – субтотал дистал резекция қилинди. Интраперитонеал лимфодиссекция D1+ билан амалиётлар 5 (9,6%) беморда, гастрэктомия 3 (5,7%) ҳолатда ва меъдани дистал субтотал резекцияси 2 (3,8%) ҳолатда амалга оширилди.

Ўз навбатида, гастрэктомия 32 (61,6%) ҳолатда ва меъдани дистал субтотал резекцияси 10 (19,2%) ҳолатда амалга оширилди. 10 (19,2%) ҳолатда ўсманинг норезектабеллиги сабабли, айланма анастомоз шакллантирилди.

Гастрэктомиядан сўнг Гилярович бўйича эзофагоэнтероанастомоз 27 (51,9%) ҳолатда шакллантирилди ва фақат 5 (9,6%) ҳолатда эзофагоэнтероанастомоз ингичка ичакнинг Ру бўйича изоляция қилинган ҳалқасида ҳосил қилинди.

Шуни таъкидлаш керакки, интраоперацион сурат шуни кўрсатдики, МСКТ маълумотларига кўра метастазлар аниқланган 37 беморлар гуруҳидан 14 (26,9%) тасида метастазлар аниқланмаган. Ва аксинча, МСКТ маълумотларига кўра, ўсма жараёни меъда билан чекланган 15 нафар беморлар гуруҳидан 8 (15,4%) тасида интраоперацион метастазлар аниқланди.

Шунингдек, ўсиш шаклида ҳам интраоперацион ва МСКТ маълумотлари ўртасида номувофиқлик ҳолатлари кузатилди. МСКТ бўйича эндофитик ўсиш тасдиқланган 19 ҳолатдан 3 (5,8%) тасида интраоперацион тарзда экзофит ўсиш ҳам аниқланди, яъни бу ҳолатлар ўсма жараёнининг аралаш ўсишлар сафига киритилди.

3-жадвал

Беморларнинг назорат гуруҳида асоратларнинг тақсимланиши

№	Асоратлар	Абс.	%
1	Ўткир панкреатит	2	3,8
2	Рефлюкс эзофагит	5	9,6
3	Анастомозит	1	1,9
4	Экссудатив плеврит	2	3,8
5	Амалиётдан кейинги жароҳатнинг иккиламчи битиши	1	1,9
6	Эзофагоёюноанастомоз этишмовчилиги	1	1,9
7	Қорин ичи қон кетиши	2	3,8
8	Ўткир миокард инфаркти	1	1,9
9	ЎАТЭ	2	3,8

Амалиётдан кейинги асоратлар 8 (15,4%) ҳолатни ташкил этди ва қуйидагича тақсимланди: 2 (3,8%) беморда битта асорат кузатилди, 4 (7,7%) ҳолатда 2 та асоратнинг комбинацияси ва 3 (5,7%) ҳолатда 3 ёки ундан ортиқ асоратларнинг комбинацияси аниқланди. Улар орасида ҳам жарроҳлик, ҳам

жарроҳлик бўлмаган табиатли асоратлар бор. Ўлим 4 (7,7%) ҳолатда қайд этилди (3-жадвал).

Қон йўқотишнинг максимал ҳажми D2 лимфодиссекция билан гастрэктомия амалиётини бажариш пайтида кузатилди – 342 мл. Меъда проксимал субтотал резекцияси пайтида қон йўқотишнинг минимал ҳажми кузатилди – 246 мл. Жарроҳлик амалиётининг максимал давомийлиги 229 дақиқани, минимал – 158 дақиқани ташкил қилди.

Беморнинг максимал фаоллашув вақти 3,19 суткани, минимал фаоллашув вақти эса 2,05 суткани, ўртача фаоллашув вақти $2,62 \pm 0,57$ кунни ташкил қилди. Анальгезия учун наркотик моддаларни қўллашнинг энг узок муддати 4,4 суткани, наркотиклик воситалари билан анальгезиянинг минимал даври 3,34 суткани, наркотиклик анальгетикларидан фойдаланишнинг ўртача вақти $3,87 \pm 0,53$ кунни ташкил этди. Шу билан бирга, нонаркотик дорилар билан анальгезиянинг максимал ва минимал давомийлиги 4,75 суткани ва 3,47 суткани, ўртача вақт $4,11 \pm 0,64$ кунни ташкил этди.

Ўз навбатида, ётоқ кунларини баҳолашда максимал муддат 15 кунни, минимал эса 12 кунни ташкил этди. Бу кўрсаткич ўртача $13,5 \pm 1,5$ суткага тенг бўлди.

Диссертациянинг **“Меъда саратонини даволашда видеолапароскопик аралашувлар натижалари”** деб номланувчи тўртинчи бобида 2019 йилдан 2024 йилгача амалга оширилган 49 видеолапароскопик аралашув натижалари таҳлил қилинди.

Диагностик лапароскопиядан олдинги босқичида меъдада ўсмали зарарланишнинг локализациясига қараб тақсимланиши қуйидагича бўлди: ўсма жараёни меъда билан чекланган – 21 (42,8%) беморда, метастазлар мавжуд – 28 (57,1%) беморда.

Барча беморларга диагностик лапароскопия ўтказилди. ПЕТда лимфа тугунларида РФП (радиофармпрепарат) тўпланиши аниқланган 8 (16,2%) ҳолатда ва карциноматозга шубҳа қилинган 7 (14,3%) ҳолатда диагностик лапароскопия пайтида ўсма жараёни меъда билан чекланганлиги аниқланди. Ўз навбатида, диагностик лапароскопиядан кейин беморларнинг тақсимланиши қуйидагича бўлди: ўсма жараёни меъда билан чекланган – 34 (69,4%) ҳолатда, метастазлар мавжуд – 15 (30,6%) ҳолатда.

Диагностик лапароскопия ўтказилгандан сўнг метастаз аниқланган асосий гуруҳ беморларининг барчасига FLOT схемасида кимётерапия ўтказилди. Градацияга кўра, 4 курс FLOT терапияси курсидан сўнг, метастазлар аниқланган 15 ҳолатдан 3 ҳолатда I даража (тўлиқ регрессия), 1 ҳолатда II даража (қисман регрессия, яъни ўсманинг 50% дан ортик кичрайиши) қайд этилган. Қолган 11 ҳолатда III даража (стабилизация) қайд этилган. FLOT терапиясининг 2 курсидан сўнг 3 ҳолатда II даража, яъни қисман регрессия қайд этилди, қолган 8 ҳолатда III даража, яъни ўсманинг стабилизацияси сақланиб қолинди.


Лапароскопик гастрэктомияда, меъдани ажратиш ва олиб ташлаш, D2 ҳажмида лимфаденэктомия билан қизилўнгач пастки кўкрак қисми резекция

қилиш, эзофагоеюноанастомоз ва энтеро-энтероанастомоз қўйишни ўз ичига олувчи реконструктив босқични ўтказишни ўз ичига олувчи эзофагоеюностомия усули таклиф этилди. Реконструктив босқични бажариш учун тахминий эзофагоеюно анастомоз қўйиладиган соҳага Трейц боғлампидан 35-40 см чекинган ҳолда оч ичак қисми олиб келинади. Сўнгра, оч ичакнинг олиб кетувчи ҳалқаси тутқичга қарама-қарши қирраси бўйлаб электрокоагулятор ёрдамида 5 мм диаметри тешик ҳосил қилинади. Бу тешикка тикувчи ускунанинг бранши киритилади. Меданинг олд деворида қизилўнгач каналдан 2 см пастда электрокоагулятор ёрдамида 5 ммли аналогик тешик ҳосил қилинади. Бу тешикка тикувчи ускунанинг 60 мм узунликдаги иккинчи бранши (кўк кассета) киритилади. Сўнгра, меъда ва олиб келувчи ичакни пастга тортган ҳолда, эзофагоеюноанастомознинг ички деворини қўйган ҳолда тикувчи ускунани меъдага параллел ҳолатга олиб келинади. Кейинчалик, қорин олд девори бўйлаб чап олдинги қўлтиқ ости чизиғи сатҳидан 12 миллиметрли троакар ўрнатилади. Бу троакар орқали меъдага ва оч ичак олиб келувчи ҳалқасига перпендикуляр ҳолатда тикувчи ускуна киритилади. Сўнгра 10-15 смли ингичка ичак олиб келувчи ҳалқасини олиб ташлаш бажарилади. Қўйилган эзофагоеюноанастомоздан 50-60 см пастда энтеро-энтеро анастомоз қўйилади.

Барча жарроҳлик аралашувлари эндотрахеал наркоз остида амалга оширилди. Амалиёт столида бемор амалиётнинг турли босқичларида Фовлер ва Тренделенбург ҳолатига ўтказиш учун амалиёт столига фиксацияланган ҳолда орқа ҳолатида ётқизилди.

Ру бўйича эзофагоеюно-анастомозини шакллантириши 32 ҳолатда чизиқли тикув мосламаси билан (1-расм) ва 2 ҳолатда линияли тикув мосламаси билан амалга оширилди.

Эзофаго-еюноанастомоз қўйишни интраоперацион бажариш 1-6-расмларда келтирилган.




1-расм. Чизиқли тикувчи ускуна ёрдамида ЭЕАни схематик тасвири




2-расм. Ингичка ичак ҳалқаси тайёрлаш




3-расм. Чамбар ичак олди эзофаго-еюноанастомозни шакллантириш



4-расм. Қурилманинг иккала бранши ҳам ўралди, қизилўнгач-меъда бирикмасига киритилди ва эзофагоеюно анастомозининг ички лаби шакллантирилди



5-расм. Ингичка ичакнинг олиб келувчи ҳалқаси ва меъда кесилди.



6-расм. Шакллантирилган анастомознинг якуний кўриниши

Эзофагоеюноанастомозни шакллантиришнинг тавсия этилган усули учун «Laparoskopik gastrektomiyada ezofagoeyunostomiya usuli» IAP 07363 (15.12.2022) патенти олинди.

Диагностик лапароскопиядан сўнг FLOT терапияси (4 курс) ўтказилган 15 ҳолатда, 3 ойдан кейин такрорий диагностик лапароскопия ўтказилди. 4 ҳолатда радикал жарроҳлик давоси FLOT терапиясининг биринчи курсидан кейин амалга оширилди. Бошқа ҳолатда FLOT терапиясининг иккинчи курси ўтказилди ва шундан сўнг яна 3 та ҳолатда юқоридаги усул бўйича радикал амалиёт қилиш мумкин бўлди. 8 ҳолатда паллиатив жарроҳлик минимал инвазив усул ёрдамида амалга оширилди. Интраоперацион қон кетиш ўртача ҳажми 115 ± 36 млни, жарроҳлик амалиётининг ўртача давомийлиги эса 302 ± 12 дақиқани ташкил этди

4-жадвал

Беморларнинг назорат гуруҳида асоратларни тақсимланиши

№	Асорат	Абс.	%
1	Ўтқир панкреатит	2	4,1
2	Рефлюкс эзофагит	4	8,2
3	Анастомозит	1	2,04
4	Экссудатив плеврит	2	4,1
5	Эзофагоеюноанастомоз этишмовчилиги	1	2,04
